Гўзал ва бетакрор жаннатмакон Ўзбекистонимиздаги ислоҳотлар дунё ҳамжамияти нигоҳида ўзига хос ва мос нуфузга эгалиги ҳеч кимга сир эмас. Ватанимиздаги барча соҳаларнинг ривожи изчил амалга оширилаётганлиги замирида инсон манфаатлари ётади ва бу давлатимиз раҳбари томонидан доимий эътироф этиб келинаётган эзгу мақсаддир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев лавозимга киришиш муносабати билан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида Тараққиёт стратегиясининг йўналишларидан биринчисини “Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратгани” фикримизнинг яъна бир яққол далилидир[118]. Юртбошимиз миллати, тили ва динидан қатъий назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун ҳалқимизнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган “Янги Ўзбекистон-ҳалқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини алоҳида белгилагани бежиз эмас. Бу йўлдан оғишмаслик пировард мақсади - ватанимизни келажак авлодга обод ва озод қолдиришни ва уни дунёда буюклар сафига олиб чиқишдек эзгу ният кўзланган. Бунинг учун жамиятнинг барча аъзоси, ҳар – бир давлат органи раҳбари якдиллик билан ҳаракат қилишини давр ва замон талаб қилмоқда. Бу айниқса ҳозирги “Глобаллашув” ва ижтимоий

[118] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг лавозимга киришиш муносабати билан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.

тармоқлардаги ғайриаҳлоқий, “бузғунчи, ёт иллатли” ахборотларнинг ўсиши жараёнида янада муҳимдир.

Ўзбекистонимиз Бош Қомуси – Конституциямизнинг 49-моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон ҳалқининг тарихи, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурликлари” белгиланган, аниқ модда мавжуд бўлиб, давлатимизнинг ҳар бир фуқаросига маълум бурчларни юклайди.[119]

Эришилаётган ютуқларни эътироф этган ҳолда жамият ривожига ва инсонлар тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин бўлган омиллар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналишини айнан маънавий ва маърифий юксалишга қаратгани муҳим аҳамиятга эгадир. Президент таъбирича “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”. Бу йўлда асосан икки тамойил, яъни-бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда - аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этган кучли маънавиятга таяниб “жаҳолатга қарши – маърифат” тамойили асосидаги соғлом эътиқод руҳини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.[120]

Ўтмишда ўтган барча маърифатпарвар ота-боболаримизнинг энг улуғ орзулари фақат ва фақат эзгулик бўлганига шак - шубҳа йўқ. Ҳозирги авлод ҳам айнан шу йўлдан оғишмаслиги, ўта бой тарихий меросга таяниб иш кўришликларини айнан замон талаб қилмоқда. Бунинг натижасида ҳалқимиз ва жамиятимизнинг ҳар – бир аъзоси манфаат топишига шак-шубҳа йўқ. Акс ҳолда миллат ва ҳалқ ташқаридан кириб келаётган ёт ғоялар ва қарашлар таъсирига тушиб қолиши эҳтимоли ортади. Бунинг илк куртакларини очилиб келаётганини эътироф этмасак бўлмайди. Ғарбдан келаётган аҳлоқий бузуқ иллатлар, Шарқдан келаётган ёт ғояларга қарши курашда энг зўр қурол бу ҳалқимизнинг тарихий маънавий бойлигидир. Афсуски улардан унумли фойдаланмаслик натижасида хозирда бехаёлик, бевафолик, хою-хавас, бемаънилик, зўравонлик, қўйингки аждодларимиз тушига ҳам кирмаган сериаллар, ток шоулар ва яна кўплаб номлар билан аталувчи дастурлар натижасида салбий иллатлар илдиз отмоқда. Буни оддий реклама ёзувларидан тортиб, кўчалардаги пешлавҳаларда, кундалик ҳаётда телекўрсатувлар ва ижтимоий тармоқларда кузатмоқдамиз.

---

[119] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент – 2019 й.

[120] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг лавозимга киришиш муносабати билан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.

Бу эса ўз навбатида жамият ривожига, давлат тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида миллий умум-инсоний қадриятларни емирилиши, жамиятдаги салбий иллатлар ривожига замин яратилмоқда. Улар охир-оқибатда давлат органлари олдида ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасидаги муаммолар юзага келишига олиб келади. Буни барча бирдек, айниқса ОАВ, оммага ахборот тарқатишга масъул шахслар чуқур англаши жуда ҳам зарурдир. Зеро, инсонлар ҳис қилиш аъзолари орқали қабул қиладиган ахборотларини савияси, мазмуни уларнинг турмуш тарзига таъсир этмасдан қолмайди. Маънавий онгсизлик, маърифий етишмовчилик, билимсизлик ва бошқа салбий иллатлар жамият ва давлат ривожи чархпалагига суқилган "ғўлалар"дир. Бу эса жамият ва давлат тараққиётига салбий таъсир қилади, кераксиз муаммоларни вужудга келтиради, асосий эзгу мақсадга етишишни орқага суради. Бу билан ОАВ ва бошқа нашрларни қоралашдан йироқмиз, айни вақтда йўл қўйилаётган иллатларга кўз юммасликка ундаймиз холос. Бу йўлда жамиятнинг ҳар-бир аъзоси онгли бўлиши маънавий, маърифий саводхон бўлиши зарурдир. Шунда айнан улар истеъмолчи сифатида сифатли маҳсулотни талаб қилишга қодир бўладилар. Натижада улар бу ҳаётда ўз ўрнининг топиб жамият ривожига хисса қўшадилар ва эзгу мақсад ҳамда жамият ҳаётининг "жони ва руҳини" тарбияси ва парваришига алоҳида ўрин берадилар. Бу йўлда олиб борилиши зарур бўлган ишларни тизимли жорий этилишини таъминлаш мақсадга мувоқифдир. Бежизга тарихдан ҳалқимиз "бир ёқадан бош чиқариб", "куч бирликда", "бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" ва яна кўплаб нақлларга амал қилмаган, буларнинг самараси барчага аён. Бу ўринда аввало оиладаги тарбия муҳимдир. Инсон энг аввалги тарбияни "қуш каби уясида" яъни оилада олади. Оиладаги муҳит ота – онанинг маънавияти, уларнинг илми, китобларга бўлган муносабати алоҳида ўринда туради. Агар муҳит талаб даражасида бўлмаса бола ўрганишни бошқа жойдан ахтаради. (телекўрсатув, клиплар, роликлар, телефон ва ижтимоий тармоқлар "жин"чалган кўчалар, бегоналар ва ҳ.к.)

Буни ўз вақтида бартараф этмаслик буюк келажакка нисбатан жиноят десак муболаға бўлмас. Инсонни ўзлигини унутиши ва ғарб тарбиясини олиши унинг шахсий таназзулидир. Буни тўғри англаш пайти келди, агар кеч бўлмаган бўлса, албатта. Бу жараёнда маҳалла энг мухим ўриндадир. Маҳаллардаги ҳуқуқ тартибот масканлари ишини янада юқори даражага кўтариш давр тақозосидир. Айнан шу ерда оилада йўл қўйилган камчиликни тўлдиришга шароит яратиш керак. Инсон ўз

туғилиб ўсган ва тарбия топган масканда камолотга етади. Маҳалла инсонда эзгу фазилатларни шакллантиришда ниҳоятда фаол бўлиши зарур. Бунинг учун кексалар, ўрта ёшдагилар ёшларга ягона мақсадни англашда ёрдам беришлари, ёшларни яхшиликка ундашлари мақсадга мувофиқдир. Маҳалла аҳли, у ердаги ҳар-бир оила ягона мақсадни кўзлаб яшашлари, охир – оқибат маҳалла фаровонлигига олиб келади. Олиб бориладиган ишлар "хўжакўрсин" ёки "статистика" ё ҳисобот учун эмас, фақат инсон қадрини улуғлашга қаратилишини давр талаб этмоқда. Давлат раҳбарининг талаби ҳам айнан шундайлигини унутмаслик орқали ислоҳатларини янги босқичга юқори савияга олиб чиқиш вақти келиб бўлган. Шундагина маҳалланинг ҳар бир аъзоси жон куйдириб маҳалла ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Бу эса нафақат турмуш фаровонлиги, ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Кўплаб аждодларимиз айнан шу йўлдан бориш ўз ижобий самарасини бериш ҳақида фикрлар билдирганлар. Булардан Юсуф Хос Хожиб, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва яна кўплаб маърифатпарварларни эслаш мақсадга мувофиқ. Уларнинг барчаси айнан эзгулик тантанаси яхшилик мукофоти, фаровон турмуш гарови ва яна кўплаб ижобий хислатларни тарғиб ва тадбиқ этишга доир бебаҳо асарлар яратганлар. Ҳар бир маҳаллада айнан шундай алломалар, маърифатпарвар боболаримиз асарларини ўрганиш орқали жамиятдаги "ахборот бўшлиғини" тўлдириш зарурдир. Бундай ишлар натижасида аҳолида, айниқса, ёшларда ёт иллатларга нисбатан иммунитет шаклланиб боради. Бу ўринда олиб бориладиган ишларда ўзбек давлатчилиги, унинг азалий қадриятларини сохталаштиришга йўл қўймасликни, бундай ишлар қонунни яхши билмайдиган одамларда салбий иллат пайдо қилишини бобомиз Абу Наср Фаробий ўз асарларида баён этган. Бундай фикрларга у Афлотун асарларини ўрганиш орқали келган. Абу Наср Фаробий "Фозил одамлар шахри" асарида барча ҳунар ва санъатлар хақида фикр билдирган.

Фаробий фикрича "Тарихий маъданга туз қўшмаслик" хар – бир санъатдан уларга мувофиқ равишда фойдаланиш зарурлигини тушунтиради. Кимки буни эрмак учун ва ўйин учун ёки заруратдан эмас, такаббурликдан ёхуд ҳудди шу санъат билан шуғулланишга кучи етмаганликдан ё бошқа бирор сабаб билан шуғулланаётган санъатни ўзгартирса, шаҳар раҳбари унга бу ишни манъ этиши керак, зарурият

бўлса жазолаши даркор, чунки бу санъатдан бекордан-бекорга ўтиш, давлат тузумига чалкашлик ва турли иллатлар кириб қолишга кучли сабаб бўлади. Бунинг зарари фойдадан кўпроқдир. Тўғри тушуниш зарур “санъат – бизнес эмас, у миллатни халқни тарбиялайди, унга маънавий озуқа бериши керак, унинг келажакка таъсири фойдадан кўпроқ зарар келтирса уни чуқур ислоҳ қилиш керак.[121]

Ўз навбатида Фаробий шаҳар аҳолисидан ёзилмаган урф-одатларни сақлаш, ўрганиш ва уларга итоат қилиш зарурияти ҳақида ҳам фикр юритади. Афсуски ҳозирда ОАВ ва ижтимоий тармоқ орқалий жамиятга кириб келаётган “ғарб” маданияти, бузуқ оммавий маданият азалий қадриятларимизни сохталари билан алмашиб қолишига ва буни урф одат даражасига кўтариш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай иллатларни “илдизини йўқ” қилиш пайти аллақачон келган. Бу соҳада фаолият юритаётганлар буни чуқур ҳис қилишлари жуда ҳам зарур. Негаки биз фақат ҳозирги вақт учун эмас, келажак авлодга ўзбек маънавий-маърифий меросини тўлиқ етказишга масъулмиз. Ҳозир шуни тўғри ташкил этсак келажак буюк бўлишига шубҳа йўқ. Акс ҳолда келажак авлод танқидига учраш ва уларнинг олдида муаммолар юзага келиши эҳтимоли ортиши мумкин.

Ўйлаб кўринг, ҳозир юзаки сериал “бир пулга” қиммат кўрсатувлар яратиш орқали бир-неча одам, боринги бир неча жамоа бир неча миллион сўм даромад кўради. Лекин бу даромад келажак авлодга АҚШ жамоат арбоби Б.Фраклин таъбирига кўра “жуда қиммат хуштакка” айланишини кимдир ўйлаб кўрганмикан.[122] Менимча йўқ акс ҳолда бундай ҳолатлар жуда кам бўларди. Ҳозирги ҳолатда эса тескарисини гувоҳи бўлмоқдамиз. Маърифатга ундовчилар жуда кам, ёт иллатли “ғарб”ни тарғиб этувчи , ҳою-ҳавас жаҳолат ва зўравонлик уфуриб турган, сийқаси чиққан ахборотлар хуружи ортиб бормоқда. Ачинарлиси эркин ОАВларнинг аксарияти давлат томонидан яратилаётган шароитлардан кенг унунмли фойдаланиб, ҳалқ учун хизмат қилиш ўрнига, гуруҳ – гуруҳ бўлиб “бир кунлик”, “вақтинчалик” даромадни афзал биладиганлар кўплаб кузатилмоқда. Шу ўринда улуғ бобомиз А.Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб” асарида келтирган фикрини эслаш ўринлидир, “кўп демак бирла бўлмагин нодон, кўп емоқ бирла бўлмагин ҳайвон”[123]. Бу пурмаъно сўзларнинг замиридаги эзгуликни англаш хар бир фуқаро учун муҳимдир. Жадидчи бобомиз А.Авлонийнинг идрок ва зако борасидаги

[121] Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” Тошкент -2018 й. 56-57 б
[122] Хақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тошкент – 2011 й. 301-303 б
[123] А.Навоий “Маҳбубул-қулуб” Тошкент - 1966 й. 231 б

фикри ҳам айнан шу ҳусусда бўлиб, “ёшликдан бошлаб зеҳнли бўлиш, бехуда сафсаталарга аралашмаслик, маърифатли бўлишга” ундайди.[124]

Айнан шу ерда ОАВни жиддий ислоҳ қилиш зарурияти келганини, бундай ишларда кенг жамоатчилик иштироки талаб этилишини таъкидлаш жоиздир. Ахир бу бир гуруҳ манфаати учун эмас, бутун жамият учун қилинадиган ишлар сирасига киритилган. Ҳар – бир кўрсатув, эшиттириш жиддий кўрикдан ўтказилишини давр тақозо этмоқда. Эркин ОАВ “жамоатчилик назорати” мақсадга мувофиқ, бунда зиёлилар, мутахассислар, ҳаётий тажрибага бой нуронийлар бевосита хамкорлиги талаб этилади. Хар бир ахборот, эфир кўрсатуви жиддий тахлил этилиши давр талаби, келажак авлод олдидаги бурчдир. Ҳар-бир ахборот замирида маънавий бойлигимизга таянган тарбиявий маърифий аҳамиятга эга бўлган, эзгуликка йўналтирилган маълумотлар бўлиши керак деб ўйлаймиз. Шундагина биз келажакдаги улуғ режаларни билиш, англаш ва шаклланган кўникмалар орқали уларни амалга оширишга қодир ёшларни тарбиялаб борамиз. Бундай ишлар орқали ёшлар “ҳалоллик вакцинаси“ни сингдириб барча иллатларга чидамли бўлиб етишадилар. Шундай экан, ташкил этилган ишларни танқидий таҳлил қилиб, уларни умуман янги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилишини кўзлашимиз зарур. Бунда энг аввало Ўзбекистоннимизга мос ва хос бўлган, аждодларимизнинг дунё эътироф этган бой маънавий – маърифий қадриятларига таянишимиз даркор. Ўз навбатида барча ҳолларда “Ўзлигимиз”ни унутмаслигимиз лозим. Шундагина келажак авлод – ҳалқимиз биздан рози бўлади, аждодлар руҳи шод бўлади ва Яратган гўзал диёримизга барокатларини ёғдиради. Бу ишларда жамиятимизнинг ҳар-бир аъзосига соғлик омонлик ва кучли тафаккур, эзгу тилаклар ёр бўлиши тарафдоримиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг лавозимга киришиш муносабати билан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент – 2019 й.
3. Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” Тошкент -2018 й. 56-57 б.
4. Хақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тошкент – 2011 й. 301-303 б.
5. А.Навоий “Маҳбубул-қулуб” Тошкент - 1966 й. 231 б.
6. А.Авлоний “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” Тошкент – 1992 й. 31- б.

[124] А.Авлоний “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” Тошкент – 1992 й. 31- б.

Joldasov Aydos Farxadovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi
zholdasov-82@list.ru

RAQAMLI DAVRDA OMMAVIY TADBIRLAR XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNING MA’MURIY-HUQUQIY MODELI: MILLIY TARTIBGA SOLISH VA QIYOSIY TAHLIL

Annotatsiya. Mazkur maqolada raqamli transformatsiya sharoitida ommaviy tadbirlar xavfsizligini ta’minlashning ma’muriy-huquqiy asoslari kompleks tahlil qilinadi. O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligi sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar, amaldagi huquqiy tartibga solish holati va undagi tizimli muammolar ochib beriladi. Xususan, ommaviy tadbirlar bilan bog‘liq huquqbuzarliklarning oldini olishda individual profilaktika mexanizmlarining yetarli darajada shakllanmaganligi asoslantiriladi. Qiyosiy-huquqiy tahlil asosida Rossiya, Belarus va Qozog‘iston tajribalari o‘rganilib, xavf manbai bo‘lgan muhitga kirishni cheklashga qaratilgan ma’muriy choralar samaradorligi yoritiladi. Shuningdek, raqamli texnologiyalar — videokuzatuv, biometrik identifikatsiya, elektron nazorat tizimlari va yagona elektron reyestrlar — jamoat xavfsizligini ta’minlashdagi o‘rni ilmiy jihatdan asoslab beriladi. Muallif tomonidan ommaviy tadbirlarda ishtirok etishni ma’muriy tarzda cheklash instituti va uni raqamli boshqaruv tizimlari bilan integratsiya qilish bo‘yicha takliflar ishlab chiqilgan. Ushbu takliflar jamoat xavfsizligini ta’minlashning zamonaviy, profilaktik va mutanosib modelini shakllantirishga xizmat qiladi.

Kalit so‘zlar: jamoat xavfsizligi, ommaviy tadbirlar, ma’muriy-huquqiy mexanizm, raqamli texnologiyalar, elektron reyestr, individual profilaktika, huquqbuzarlik, kiberxavfsizlik, biometrik identifikatsiya, qiyosiy-huquqiy tahlil.

Raqamli transformatsiya sharoitida jamoat xavfsizligini ta’minlash masalasi davlat boshqaruvining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida namoyon bo‘lmoqda. Ayniqsa, ommaviy tadbirlar xavfsizligini ta’minlash jarayonida an’anaviy huquqiy mexanizmlar bilan bir qatorda raqamli texnologiyalardan samarali foydalanish zarurati tobora ortib bormoqda. Bu holat jamoat xavfsizligiga tahdidlarning shakli va mazmuni o‘zgarayotgani, ularning ko‘p hollarda dinamik va kompleks xususiyatga ega ekani bilan izohlanadi. Shu nuqtai nazardan, ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashning ma’muriy-

huquqiy mexanizmlarini raqamli instrumentlar bilan integratsiya qilish masalasi alohida ilmiy va amaliy ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekistonda jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida muayyan ijobiy natijalarga erishilgan bo‘lsa-da, hali o‘z yechimini kutayotgan qator muammolar ham mavjud. Ularni bartaraf etishning samarali yo‘llarini izlash esa bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasida so‘nggi yillarda jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirildi. Xususan, jamoat xavfsizligi konsepsiyasi qabul qilinib, profilaktika va barvaqt ogohlantirish tizimlarini rivojlantirish ustuvor vazifa sifatida belgilandi[125]. Shuningdek, huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatida ochiqlikni ta’minlash, videokuzatuv tizimlarini joriy etish, aholi bilan muloqot mexanizmlarini takomillashtirish orqali jamoat tartibini ta’minlash sohasida muayyan natijalarga erishildi. Biroq mazkur ijobiy o‘zgarishlarga qaramasdan, ommaviy tadbirlar davomida huquqbuzarliklarning oldini olishga qaratilgan mexanizmlar hali ham to‘liq shakllanmaganligini kuzatish mumkin.

Amaldagi huquqiy tartibga solish tahlili shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksida ommaviy tadbirlar bilan bog‘liq huquqbuzarliklar uchun javobgarlik belgilangan bo‘lsa-da, ular asosan umumiy xarakterga ega bo‘lib, individual profilaktika mexanizmlarini qamrab olmaydi[126]. Xususan, huquqbuzar shaxsning aynan xavf manbai bo‘lgan muhitga qayta kirishini cheklashga qaratilgan maxsus huquqiy instrument mavjud emas. Bu esa huquqbuzarlik sodir etilgandan keyin javob qaytarish ustuvor bo‘lib qolayotganini, profilaktika esa ikkinchi darajali vazifa sifatida qaralayotganini anglatadi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasiga muvofiq, inson huquq va erkinliklari faqat qonun asosida va zaruriyatdan kelib chiqqan holda cheklanishi mumkin[127]. Shu sababli ommaviy tadbirlar xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan har qanday yangi ma’muriy chora qonuniylik, mutanosiblik va zaruriyat tamoyillariga qat’iy muvofiq bo‘lishi lozim. Mazkur talablar profilaktik mexanizmlarni ishlab chiqishda asosiy huquqiy mezon sifatida xizmat qiladi.

[125] Jamoat xavfsizligini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga o‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-mart PF-6196-son farmoni. // https://lex.uz/docs/5344118.

[126] O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi https://lex.uz// Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi

[127] O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. 2023-yil 30-aprel. //https://lex.uz// Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi

Amaliyotda ommaviy tadbirlar jarayonida jamoat tartibini buzish holatlari ko‘pincha takroriy xarakterga ega bo‘ladi. Taqiqlangan buyumlarni olib kirish, xavfli yoki provokatsion xatti-harakatlar, jamoat xavfsizligi qoidalarini buzish kabi holatlar ayniqsa muayyan muhitda qayta sodir etilishi ehtimoli yuqori. Biroq amalda qo‘llanilayotgan jarima yoki ma’muriy qamoq kabi choralar bunday shaxslarning keyinchalik yana shu muhitga kirishini huquqiy jihatdan cheklamaydi. Bu esa profilaktika samaradorligini pasaytiradi va huquqbuzarliklarning takrorlanishiga shart-sharoit yaratadi.

Qiyosiy-huquqiy tahlil mazkur sohada xorijiy davlatlar samarali mexanizmlarni ishlab chiqqanini ko‘rsatadi. Xususan, Rossiya Federatsiyasi ma’muriy javobgarlik tizimida ommaviy tadbirlar (sport musobaqalari) o‘tkaziladigan joylarga tashrif buyurishni ma’muriy tarzda taqiqlash mustaqil ma’muriy jazo turi sifatida mustahkamlangan. Rossiya Federatsiyasi Ma’muriy huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi kodeksining 3.2-moddasida mazkur cheklov alohida ma’muriy jazo sifatida nazarda tutilgan bo‘lib, u fuqarolarning muayyan vaqt davomida rasmiy sport musobaqalari o‘tkaziladigan joylarga kirishini taqiqlash[128] orqali jamoat xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan. Mazkur cheklovning huquqiy mazmuni va qo‘llash mexanizmi Rossiya Federatsiyasi Ma’muriy huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi kodeksining 3.14-moddasida aniq belgilangan bo‘lib, unga ko‘ra, tomoshabinlar xulq-atvor qoidalarini buzgan shaxslarga nisbatan sud tomonidan olti oydan yetti yilgacha muddatga tashrif taqiqi tayinlanishi mumkin.[129] Ahamiyatli jihati shundaki, shaxsning umumiy erkinligini cheklashga emas, balki xavf manbai bo‘lgan muhitga kirishini cheklashga qaratilgan. Bu esa mutanosiblik prinsipiga mos keladi.

Belarus Respublikasida ommaviy tadbirlar maxsus huquqiy rejim doirasida tartibga solinib, ular jamoat xavfsizligi nuqtai nazaridan alohida obyekt sifatida qaraladi[130]. Belarus Respublikasi qonunchiligi ommaviy tadbirlarning huquqiy ta’rifini keng yoritib, sport-madaniy va boshqa ommaviy tadbirlarni jamoat xavfsizligi nuqtai nazaridan alohida tartibga solish zarurligini ko‘rsatadi. Bu esa ommaviy tadbirlarni alohida xavf manbai sifatida huquqiy tan olish tendensiyasini tasdiqlaydi[131]

Qozog‘iston Respublikasida Qozog‘iston Respublikasi qonunchiligida ham ommaviy va sport-madaniy tadbirlar vaqtida xulq-atvor qoidalarini

[128] Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях" от 30.12.2001 N 195-ФЗ

[129] Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях" от 30.12.2001 N 195-ФЗ

[130] Закон Республики Беларусь от 30.12.1997 №114-З «О массовых мероприятиях». https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=h19700114

[131] Закон Республики Беларусь № 114-З (Закон Республики Беларусь от 30 декабря 1997 г. №114-З «О массовых мероприятиях.»)

buzgan shaxslar uchun maxsus ma’muriy javobgarlik belgilangan. Qozog‘iston Respublikasining Ma’muriy huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi kodeksi 434-1-moddasida tomoshabinlar tomonidan taqiqlangan buyumlarni olib kirish, ijtimoiy adovat qo‘zg‘atuvchi vizual materiallardan foydalanish kabi harakatlar uchun javobgarlik va takroriylik holatida jazoni kuchaytirish nazarda tutilgan[132]. Ushbu tajribalar ommaviy tadbirlarni oddiy jamoat joyi sifatida emas, balki yuqori xavfli muhit sifatida huquqiy jihatdan alohida tartibga solish zarurligini ko‘rsatadi. Garchi Qozog‘iston qonunchiligida alohida tashrif taqiqi instituti mavjud bo‘lmasa-da, huquqbuzarliklarni individual baholash va takroriylikni inobatga olish tamoyili O‘zbekiston uchun ham metodologik ahamiyatga ega.

Raqamli texnologiyalar ommaviy tadbirlar xavfsizligini ta’minlashda yangi imkoniyatlar yaratadi. Videokuzatuv tizimlari, biometrik identifikatsiya, elektron kirish nazorati, ma’lumotlar bazalari va analitik platformalar xavfli holatlarni barvaqt aniqlash imkonini beradi. Biroq bunday texnologiyalardan foydalanish shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish va kiberxavfsizlik talablari bilan uzviy bog‘liqdir. O‘zbekiston Respublikasining “Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq, shaxsiy ma’lumotlarga ishlov berish faqat aniq huquqiy asoslar va maqsadlar doirasida amalga oshirilishi lozim[133]. Shuningdek, “Kiberxavfsizlik to‘g‘risida”gi Qonun axborot tizimlarini muhofaza qilishning huquqiy asoslarini belgilaydi[134].

Shu nuqtai nazardan, ommaviy tadbirlarda ishtirok etishi cheklangan shaxslar bo‘yicha yagona elektron reyestrni joriy etish muhim ahamiyatga ega. Mazkur reyestr sud qarorlari asosida shakllantirilishi, ma’lumotlardan foydalanish qat’iy cheklangan bo‘lishi, shuningdek, ma’lumotlarning xavfsizligi ta’minlanishi lozim. Bu reyestr orqali xavfli shaxslarning ommaviy tadbirlarga kirishini cheklash imkoni yaratiladi, bu esa profilaktika samaradorligini oshiradi.

Xalqaro tashkilotlar ham profilaktik yondashuvni ustuvor deb hisoblaydi. Jumladan, UNODC jinoyat profilaktikasini xavf-xatarlarni kamaytirishga qaratilgan kompleks choralar tizimi sifatida baholaydi[135]. OSCE esa jamoat xavfsizligini ta’minlashda jamoa bilan hamkorlik, shaffoflik va hisobdorlik

[132] Закон Республики Казахстан «О физической культуре и спорте» от 03.07.2014 №228-V. https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1400000228

[133] O‘zbekiston Respublikasining 2019-yildagi 2-iyul O‘RQ–547-son Qonuni «Shaxsga doir ma’lumotlar to‘g‘risida» // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. https://lex.uz/docs/4396428 (murojaat sanasi: 21.01.2026).

[134] O‘zbekiston Respublikasining 2022-yil 15-apreldagi “Kiberxavfsizlik to‘g‘risida”gi O‘RQ-764-son qonuni//https://lex.uz// Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi

[135] UNODC. Handbook on Crime Prevention Guidelines. – Vienna: United Nations, 2010.

tamoyillarining muhimligini ta’kidlaydi[136]. Bu yondashuvlar ommaviy tadbirlar xavfsizligini ta’minlashda ham qo‘llanilishi mumkin.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, O‘zbekiston Respublikasi ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi amaldagi qonunchiligida ommaviy tadbirlar o‘tkaziladigan joylarga tashrif buyurishni ma’muriy tarzda taqiqlashga oid mustaqil huquqiy institut mavjud emas. Natijada, huquqbuzarlik sodir etgan shaxslarning aynan xavf manbai bo‘lgan muhitga qayta kirishini cheklovchi individual profilaktika mexanizmlari yetarli darajada shakllanmagan. Amaliyotda tomoshabinlar tomonidan ommaviy tadbirlar vaqtida jamoat tartibini buzish, taqiqlangan buyumlarni olib kirish yoki boshqa xavfli harakatlar sodir etilgan taqdirda asosan jarima yoki ma’muriy qamoq kabi umumiy javob choralari qo‘llaniladi. Biroq ushbu choralar huquqbuzarning aynan xavf manbai bo‘lgan muhitga qayta kirishini cheklamaydi, natijada ayrim shaxslar tomonidan takroriy huquqbuzarliklar sodir etilishi xavfi saqlanib qolmoqda.

Bunday huquqiy bo‘shliq ommaviy tadbirlar o‘tkaziladigan joylarda jamoat xavfsizligini ta’minlashda individual profilaktika mexanizmlarining yetarli darajada shakllanmaganini ko‘rsatadi. Ya’ni, amaldagi tizim ko‘proq sodir etilgan huquqbuzarlikka javob qaytarishga qaratilgan bo‘lib, uning oldini olishga yo‘naltirilgan maqsadli va shaxsga nisbatan aniq cheklov choralarini qamrab olmaydi. Bu esa ma’muriy-huquqiy ta’sir choralarining profilaktik samaradorligini pasaytiradi.

Taklif etilayotgan ommaviy tadbirlar o‘tkaziladigan joylarga tashrif buyurishni ma’muriy tarzda taqiqlash instituti joriy etilgan taqdirda, birinchidan, jamoat xavfsizligiga tahdid soluvchi shaxslarning xavfli muhitga kirishi vaqtincha cheklanadi, ikkinchidan, takroriy huquqbuzarliklarning oldini olishga qaratilgan individual profilaktika mexanizmi shakllanadi. Uchinchidan, ma’muriy jazolarning proporsionallik tamoyili ta’minlanib, shaxsning umumiy harakat erkinligiga emas, balki aynan xavf bilan bog‘liq ijtimoiy munosabatlarga cheklov qo‘yiladi.

Natijada, ommaviy tadbirlar o‘tkaziladigan joylarda jamoat tartibini saqlash samaradorligi oshadi, huquqni muhofaza qiluvchi organlarning profilaktik faoliyati tizimlashadi hamda sudlar tomonidan jazo tayinlashda differensiatsiya va individuallashtirish imkoniyatlari kengayadi. Eng muhimi, mazkur chora fuqarolarning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklarini asossiz cheklamasdan, jamoat xavfsizligini ta’minlashga xizmat qiladigan zamonaviy ma’muriy-huquqiy instrument sifatida milliy huquq tizimiga moslashtiriladi.

[136] OSCE. Guidebook on Democratic Policing. – Vienna: OSCE, 2008.

Amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi tahlili shuni ko‘rsatadiki, ommaviy tadbirlar bilan bog‘liq huquqbuzarliklar uchun javobgarlik masalasi yetarli darajada tizimlashtirilmagan holda tartibga solingan. Xususan, tomoshabinlarning xavfli xulq-atvori, takroriy huquqbuzarliklar hamda bunday shaxslarga nisbatan individual profilaktik cheklov choralarini qo‘llashga oid samarali huquqiy mexanizmlar yetarli darajada shakllanmagan. Bu holat huquqbuzarliklarning oldini olish emas, balki oqibatlarga javob qaytarish modeli ustuvor bo‘lib qolayotganini ko‘rsatadi.

Shu munosabat bilan jamoat xavfsizligini ta’minlashning ma’muriy-huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish maqsadida Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksga bir qator tizimli o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish taklif etiladi. Jumladan, Kodeksning 23-moddasi 1-qismini yangi 7-band bilan to‘ldirib, “ommaviy tadbirlar o‘tkaziladigan joylarga tashrif buyurishni ma’muriy tarzda taqiqlash”ni mustaqil ma’muriy jazo chorasi sifatida belgilash maqsadga muvofiqdir. Mazkur chora o‘z mazmuniga ko‘ra shaxs erkinligini mutlaq cheklamagan holda, jamoat xavfsizligiga real tahdid soluvchi xatti-harakatlar sodir etgan shaxslarga nisbatan individual va maqsadli preventiv ta’sir ko‘rsatish imkonini beradi.

Shuningdek, Kodeksni yangi **29^3-modda** bilan to‘ldirish orqali ommaviy tadbirlar o‘tkaziladigan joylarga tashrif buyurishni ma’muriy tarzda taqiqlashning huquqiy mohiyati, qo‘llash asoslari, muddati va vakolatli subyekti aniq belgilanadi.

Jamoat xavfsizligini ta’minlash nuqtai nazaridan alohida ahamiyatga ega yana bir taklif Kodeksni yangi **200^3-modda** bilan to‘ldirishdir. Ushbu modda tomoshabinlar tomonidan ommaviy tadbirlar vaqtida xulq-atvor qoidalarini buzish, taqiqlangan buyumlarni olib kirish, ulardan foydalanish, shuningdek, ijtimoiy adovat va kamsitishni targ‘ib qiluvchi atributlardan foydalanish uchun javobgarlikni aniq va tabaqalashtirilgan tarzda belgilaydi. Bundan tashqari, mazkur taqiqni buzganlik uchun alohida javobgarlik belgilovchi **206^2-moddaning** kiritilishi huquqiy mexanizmning mantiqiy yakunini ta’minlaydi. Chunki jazo chorasi ijrosining huquqiy kafolatlari bo‘lmagan taqdirda uning preventiv ahamiyati susayadi. Shu bilan birga, Kodeksning 245, 248, 248^1, 287 va 288-moddalariga tegishli o‘zgartirishlar kiritilishi orqali ushbu huquqbuzarliklar bo‘yicha ish yuritishda ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya va probatsiya xizmatlarining vakolatlari aniq belgilanadi.

Ommaviy tadbirlar o‘tkaziladigan joylarda jamoat xavfsizligini ta’minlash samaradorligini oshirish, takroriy huquqbuzarliklarning oldini olish

hamda ma’muriy-huquqiy ta’sir choralarining profilaktik yo‘nalishini kuchaytirish maqsadida “Ommaviy tadbirlarda ishtirok etishi cheklangan shaxslarni hisobga olish yagona elektron reyestri”ni joriy etish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Mazkur reyestr ommaviy tadbirlar vaqtida jamoat tartibini qo‘pol ravishda buzgan yoki jamoat xavfsizligiga real tahdid solgan shaxslarga nisbatan sud tomonidan qo‘llanilgan vaqtinchalik cheklov choralarining ijrosini ta’minlashga qaratilgan axborot-hisobga olish vositasi sifatida xizmat qiladi.

Mazkur yagona elektron reyestr faqat sud qarorlari asosida kiritiladigan ma’lumotlarni o‘z ichiga olishi, cheklovning turi, muddati va qo‘llanish doirasi aniq ko‘rsatilishi, shuningdek cheklov muddati tugagach ma’lumotlarni avtomatik ravishda chiqarish mexanizmiga ega bo‘lishi lozim. Reyestr axborotidan foydalanish huquqi qat’iy cheklangan bo‘lib, u faqat jamoat xavfsizligini ta’minlashda bevosita ishtirok etuvchi vakolatli davlat organlari uchun xizmat vazifalarini bajarish doirasida taqdim etiladi.

Shu bilan birga, reyestrni yuritish jarayonida shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish, axborot xavfsizligi, kirish huquqlarini differensiatsiya qilish, jurnallash va keyingi audit mexanizmlarini joriy etish majburiy hisoblanadi. Reyestrga kiritilgan shaxslarga cheklovning huquqiy mazmuni, muddati va shikoyat qilish tartibi to‘g‘risida xabardor qilish kafolatlanishi, bu esa ma’muriy ta’sir choralarining shaffofligi va hisobdorligini ta’minlaydi.

“Ommaviy tadbirlarda ishtirok etishi cheklangan shaxslar yagona elektron reestri”ni joriy etish jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimida individual profilaktika mexanizmlarini institutsional asosda shakllantirishga xizmat qiladi. Shuningdek, mazkur tizim ma’muriy-huquqiy ta’sir choralarining samaradorligini oshirishga, ommaviy tadbirlar davomida jamoat tartibini saqlashga qaratilgan davlat siyosatini barqaror va prognoz qilinadigan huquqiy mexanizmlar asosida amalga oshirish imkonini yaratadi.

Demak, mazkur takliflar jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasidagi ma’muriy-huquqiy tartibga solishni normativ, institutsional va protsessual jihatdan takomillashtirishga qaratilgan. Ular ommaviy tadbirlar jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan xavflarni barvaqt bartaraf etish, huquqbuzarliklarni individual profilaktika asosida cheklash hamda fuqarolarning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklarini mutanosib tarzda tartibga solish orqali jamiyatda barqarorlik va tinchlik muhitini mustahkamlashga xizmat qiladi.

ОГЛАВЛЕНИЕ

ВСТУПИТЕЛЬНОЕ СЛОВО 4

Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович 4

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ 7

Джураев Рустам Мирзаевич 7

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 7

Мамаюсупов Сарвар Дехканович 14

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕСЕКУЛЯРИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ 14

Добриян АС.В. 20

ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ОВД НАРУШЕНИЯМ ПОРЯДКА ОРГАНИЗАЦИИ ИЛИ ПРОВЕДЕНИЯ МАССОВЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ 20

Шишкина Елена Васильевна, ... 27

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ 27

Гузеев Алексей Николаевич 35

ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВОЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ ВОЙСК НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ 35

Амонулоев Шерали Пиркадамович 43

ПРАВОВОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ И РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ ТАДЖИКИСТАН 43

Исмаилов Исамиддин 52

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (МИЛЛИЙ ТАЖРИБА) 52

I секция. ТЕОРЕТИКО-ПРАКТИЧЕСКОЕ, ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ 60

Рахимова Муаттара Абдусаттаровна 60

ОБЩЕСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ: ПОНЯТИЕ 60

Матчанов Алимжан Атабаевич 68

ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И ОХРАНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА В ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ 68

Прокопенко Владимир Викторович 75

Цирульников Николай Николаевич 75

Ефимов Виталий Викторович 75

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ И ПРОВЕДЕНИИ КРУПНОМАСШТАБНЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ СПОРТИВНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ 75

Абакумова Екатерина Борисовна 85

ФОРМИРОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ПРАВОВОГО СТАТУСА РОСГВАРДИИ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ 85

Совкич Петр Александрович 89

ВОЙСКА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ КАК СУБЪЕКТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 89

Безматерных Алексей Николаевич 99

ПРИМЕНЕНИЕ ВОЙСК ПРАВОПОРЯДКА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 99

Жидков А.В. 105

ИНСТИТУТ ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ: ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ 105

Гавриленко Роман Григорьевич 110

Федорович Александр Леонидович 110

СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ОБЯЗАННОСТЕЙ И ЗАДАЧ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ С ЗАДАЧАМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ИНЫХ ГОСУДАРСТВ 110

Раманкулова Акниет Таалайбековна 118

Майлыбаева Назгуль Балтабаевна 118

ДЕТСКИЙ ЛЖЕТЕРРОРИЗМ В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН: ПРОБЛЕМЫ «ОМОЛОЖЕНИЯ» ПРЕСТУПНОГО КОНТИНГЕНТА 118

Мутигуллин Александр Владимирович 121

БОРЬБА С БАНДИТИЗМОМ НА УКРАИНЕ В ГОДЫ ВЕЛИКОЙ ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ВОЙНЫ, КАК ФУНКЦИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА 121

Хакназаров Худойберди Дилмуродович 129

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ 129

Ахмедова Сорахон Талипжановна 136

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАНОСТИ ПРИ ВОЗНИКНОВЕНИИ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ: АНАЛИЗ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН 136

Юрий Пулатов 141

Мухаммади Усмонов 141

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ 141

Бойбутаев Ж.Ж. 146

Ашуров Р.Н. 146

ЗАРУБЕЖНАЯ ПРАКТИКА СОЗДАНИЯ КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ДОКУМЕНТОВ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 146
Закиров Бахтиёр Эргашевич 153
БОРЬБА С НЕЗАКОННОЙ ВЕРБОВКОЙ ЛЮДЕЙ ДЛЯ ЭКСПЛУАТАЦИИ ОДНО ИЗ НАПРАВЛЕНИЙ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 153
Сатторов Асроржон Акрамжонович 159
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ 159
Джурабаев Рустам Тураббаевич 164
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТАКТИКИ ЗАДЕРЖАНИЯ РОЗЫСКИВАЕМЫХ ПРЕСТУПНИКОВ КАК НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 164
Икромов Алишер Актамович 172
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ 172
Валиев Сайдулла Салиевич 177
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 177
Бейсенов Кенжабай Сарсанбаевич 184
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ. 184
Долгова Ирина Евдокимовна 191
БОРЬБА С ТЕРРОРИЗМОМ – ВАЖНАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 191
Бейсенов Кенжабай Сарсанбаевич 200
Аҳмедов Фарҳод Сайдалиевич 200
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАМОАТ ХАФВСИЗЛИГИ ОМИЛИ СИФАТИДА. 200
Qayumov Ferdavs Abduvali o‘g‘li 207
QO‘RIQLASH BOSH BOSHQARMASI TEZKOR HARAKATLANUVCHI GURUH NARYADLARI HARAKATINI SIFATLI TARZDA TASHKIL ETISH 207
Axmedov Sherzodbek Oribjon o‘g‘li 212
YO‘L HARAKATI XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNING IJTIMOIY ZARURIYATI 212
Shukurov Shoxrux Abdulazizovich 219
JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA DRONLARNI QO‘LLASH MASALALARI 219
Tojaliyev Ilyosbek Lochinboy o`g`li 223
JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA PIROTEXNIKA BUYUMLARINING NOQONUNIY MUOMILASINI OLDINI OLISHGA DOIR NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR TAHLILI 223
Алимов Обид Захиджанович 229

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИГА ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРДА ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ 229

II секция. ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ОБЛАСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 240

Попов Алексей Сергеевич 240

ВЛИЯНИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ВОЕННОГО ВУЗА НА ФОРМИРОВАНИЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ БУДУЩИХ ОФИЦЕРОВ 240

Лемешевский О.О. 246

Талалаев В.А. 246

ФОРМИРОВАНИЕ МОТИВАЦИИ К ВОЕННОЙ СЛУЖБЕ КАК ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 246

Соболев Дмитрий Максимович 252

Аблов Алексей Сергеевич, ... 252

Рябуха Елена Викторовна 252

ВОСПИТАНИЕ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ КАК ОСНОВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ГОСУДАРСТВА 252

Бийназаров Даулет Нурсеитович 257

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ СТАТУС И АДАПТАЦИЯ БУДУЩИХ КАДРОВ ВОЕННОГО ВУЗА 257

Набиева Екатерина Александровна 265

К ВОПРОСУ О СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ОБЛАСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 265

Кот Виктор Сергеевич 272

СРЕДСТВА ОБУЧЕНИЯ КУРСАНТОВ ФАКУЛЬТЕТА ВНУТРЕННИХ ВОЙСК 272

Селиманова Светлана Михайловна 277

ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ СОТРУДНИКОВ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ К ОБЕСПЕЧЕНИЮ ОХРАНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА 277

Салохиддинов Нуриддин Фахриддин ўғли 281

БЎЛАЖАК ПОЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ (ГЕРМАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ МИСОЛИДА) 281

Окюлов Нуъмон Омонбоевич 286

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАДРОВЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ И РЕАЛИЗАЦИИ КАДРОВОЙ ПОЛИТИКИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 286

Алмарднонов Зоҳид Шукуриллаевич 294

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ 294

Джумашев Алишер Нишанбаевич 304

ПРОФЕССИНАЛЬНАЯ ПОДГОТОВКА ВОЕННОСЛУЖАЩИХ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ НАВЫВКАМ ОКАЗАНИЯ ПЕРВОЙ ПОМОЩИ – ВАЖНЫЙ ЭЛЕМЕНТ В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 304
Suyunov Rustam Sadriddinovich 308
JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMI HAMDA MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PEDOGOGIK ASOSLARI 308
Вохидов Фазлиддин Рауфович 314
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ 314
Абдуллаев Нурилла Саъдуллаевич 323
ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРБИЯЛАШИНИ ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ 323
Валиханов Илёс Илхамович 329
ТАЛАБАЛАРДА ҲАРБИЙ-КАСБИЙ МОТИВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ВА ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ 329
Xasanova Gulshod Ro'ziboyevna 335
ANIQLASH VA QO'RIQLASH TIZIMLARIDAN FOYDALANISH BO'YICHA MUHANDISLARNI TAYYORLASHDA FIZIKANING O'RNI 335
III секция. АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 339
Семёнова Ирина Владимировна 339
БЕЗОПАСНОСТЬ ЦИФРОВЫХ СИСТЕМ ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ КАК ОБЪЕКТОВ ПРЕСТУПНОГО ПОСЯГАТЕЛЬСТВА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ 339
Боровик Петр Леонидович 349
АКТУАЛЬНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА И НЕЙРОСЕТЕЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ 349
Гук Евгений Денисович 353
Рябуха Елена Викторовна 353
ИНФОРМАЦИОННО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ОПЕРАЦИЯ, КАК ВАЖНАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ ВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОЙ ВОЙНЫ 353
Анвар Юлдашев 358
МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АХБОРОТ ҲАВФСИЗЛИГИИНИНГ ЎРНИ 358
Боровик Петр Леонидович 365
Самойло Владислав Алексеевич 365
ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, ПОДЛЕЖАЩИЕ УСТАНОВЛЕНИЮ И ДОКАЗЫВАНИЮ ПО ДЕЛАМ О ЛЕГАЛИЗАЦИИ СРЕДСТВ, ПРИОБРЕТЁННЫХ ПРЕСТУПНЫМ ПУТЁМ ПОСРЕДСТВОМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КРИПТОВАЛЮТ 365
Малюх Александр Викторович 370
Рябуха Елена Викторовна 370

ИНФОРМАЦИОННО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ВОЗДЕЙСТВИЕ КАК СРЕДСТВО СОВРЕМЕННОЙ ВОЙНЫ 370
Бойбутаев Ж.Ж. 375
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ БЕСПИЛОТНЫХ ЛЕТАТЕЛЬНЫХ АППАРАТОВ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 375
Анвар Юлдашев 380
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ КРИТИЧЕСКОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ 380
Таллибаев Умиджон Шергазиевич 386
ЭВОЛЮЦИЯ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ С ПЕРЕХОДОМ В ИНФОРМАЦИОННОЕ ОБЩЕСТВО 386
Xoliqov Sh.A. 392
OCHIQ MANBALARDAN MA’LUMOTLARNI YIG‘ISH VA TAHLIL QILISH TEXNOLOGIYASI (OSINT MISOLIDA) 392
Bozorov Abdimannon Abduroimovich 396
Shukurov Shoxrux Abdulazizovich 396
JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA QO‘RIQLASHNING TEXNIK VOSITALARINING O‘RNI 396
М.М. Ахмедов 400
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎРНИ: УЛАРНИ ЖАМИЯТ РИВОЖИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ 400
Joldasov Aydos Farxadovich 406
RAQAMLI DAVRDA OMMAVIY TADBIRLAR XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNING MA’MURIY-HUQUQIY MODELI: MILLIY TARTIBGA SOLISH VA QIYOSIY TAHLIL 406

Для заметок:

«ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ»

сборник материалов по международной научно-практической конференции (26 апреля 2023 года)

I том

Редактор: Рустамбаев М.Х.

Разрешено к печати: 06.05.2023 г.
Фомат 60x45 $^{1}/_{8}$, «Times New Roman»
Цена на основе договора.
Объем 29,3. Кол-во: 100. Заказ: № 19.
Редакция «TOP IMAGE MEDIA».
Тел.: +998 90 9722279, www.tiraj.uz
100060, Ташкент, улица Я.Гулом, 74.